

## Ашуро рўзасининг фазилати



18:30 / 14 июль 3916

Салама ибн Акваъ розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам асламлик бир кишига одамлар ичида «Ким бирон нарса еган бўлса, куннинг қолганида рўза тутсин, ким емаган бўлса, у ҳам рўза тутсин, чунки бугун Ашуро куни», деб жар солишга буюрдилар».

*Икки Шайх ва Насайлар ривоят қилишган.*

Рубайийъ бинт Муъаввиз ибн Афро розияллоху анҳодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам ашуро куни эрталаб Мадина атрофидаги ансорларнинг қишлоқларига одам юбориб, «Ким рўза тутган ҳолда тонг оттирган бўлса, рўзасини тугал қилсин. Ким оғзи очиқ ҳолда тонг оттирган бўлса, кунининг қолганини (рўза билан) тугал қилсин», дедилар.

Шундан кейин биз унинг рўзасини тутадиган ва ёш болаларимизга ҳам Аллоҳ хоҳлаганича туттирадиган бўлдик. Масжидга бориб, уларга юнгдан ўйинчоқ қилиб берар эдик. Бирортаси овқат деб йиғласа, ифторгача унга ўшани берар эдик».

*Муслим ривоят қилган.*

Ибн Аббос розияллоху анхумодан ривоят қилинади:

«Мен Набий соллаллоху алайҳи васалламнинг ушбу кун – Ашуро кунининг ҳамда ушбу ой, яъни Рамазон ойининг рўзасидан ташқари бирор кунни бошқасидан афзал кўриб, рўза тутишга қасд қилганларини кўрмадим».

*Икки Шайх ривоят қилган.*

**Изоҳ:** Яъни, Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам қачон Ашуро куни келар экан, рўзасини тутсам, деб, интиқ бўлиб турар эканлар. Бошқа бирор куннинг рўзасини тутиш учун бунчалик интизор бўлиб кутмас эканлар.

Шунингдек, Рамазон ойини ҳам қачон келар экан, рўзасини тутсам, деб, интиқ бўлиб кутар эканлар. Бошқа бирор ойнинг рўзасини тутишни бунчалик интизор бўлиб кутмас эканлар. У кишининг умматлари, яъни бизлар ҳам шундай бўлишимиз лозим.

Абу Ҳурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Расулуллох соллаллоху алайҳи васаллам: «Рамазондан кейинги энг афзал рўза Аллоҳнинг ойи муҳаррамдир. Фарз намоздан кейинги энг афзал намоз тунги намоздир», дедилар».

*Муслим ривоят қилган.*

Абу Қатода розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам: «Ашуро кунининг рўзаси ўзидан олдинги йилнинг гуноҳларига каффорат бўлади», дедилар».

*Муслим ривоят қилган.*

**Изоҳ:** Ушбу маънонинг ўзи ҳам Ашуро рўзаси қанчалар фазийлатга эга эканлигини кўрсатиб турибди. Бу ҳадисларни чуқур ўрганган уламоларимиз Ашуро рўзасини тутиш суннати муаккада, деган хулосага келганлар. Ана шунга амал қилиб, ҳаммамиз бу куннинг рўзасини тутишга ҳаракат қилмоғимиз лозим.

Абу Саъийд розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким Ашуро куни оиласига кенгчилик қилиб берса, Аллоҳ унга йил бўйи кенгчилик қилиб беради», дедилар».  
*Тобароний ва Байҳақий ривоят қилганлар.*

**Изоҳ:** Ушбу ривоятдаги «кенгчилик қилиб берса»дан мақсад уларга нафақа борасида кенгчилик қилса, деганидир.

**Эслатма:**

9 Муҳаррам – 15 июл - душанба

10 Муҳаррам – 16 июл - сешанба

11 Муҳаррам – 17 июл - чоршанба

**Нияти:** Холис Аллоҳ учун нафл рўза тутишни ният қилдим.